

Da'vat

O'z vujudingga tafakkur aylagil, Har ne istarsen, o'zingdan istagil.

Alisher NAVOIY

Kuch - bilim va tafakkurda

Ibrat

Qashqadaryo viloyatidagi Beshkent qishloq kasb-hunar kolleji qayta ta'mirdan chiqarildi. 200 o'rinli yotoqxona, o'quv xonalari namunalii tarzda jhozlandi. Buning uchun 600 million so'mlik kapital mablag' sarflandi. O'quv jihozlari uchun esa 150 million so'm mablag' ajratildi.



# Ma'rifat

МАЪРИФАТ \* ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ \*

1931 йилдан чиқа бошлаган 2002 йил 13 ноябрь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 90 (7493)



"Алифбе" китоби — инсонни камолот пиллапоялари сари бошловчи энг биринчи дўст. У билан ошно бўлган ўқувчи ўғил-қиз илм уммонининг чексиз ҳудудларига бемалол сайру саёҳатга отланиши мумкин. Чунки содик дўстинг сенга ҳамиша мададор, унинг ўғитлари қоронгу йўлингни қароғон этувчи машала.

Кўни кеча Ташкент шаҳрининг 216-мактабда ана шу содик дўстинг қўлидан тугган бир гуруҳ кичкинтойлар "Алифбе"га нақадар меҳр қўйганликларини ун-

дан олган билимлари орқали намойиш этишди. Саводхонлик байрамига ўқувчиларнинг ота-оналари билан биргаликда "Алифбе" дарслигининг муаллифи, педагогика фанлари доктори, профессор Қумри Абдуллаеванинг ташриф буюрганлиги аҳамиятли бўлди. Ўқувчиларни китобга ошно қилган, беҳато ўқиш ва ёзишни ўргатган устоз Мунира Фозилжонна шу кўни ўқувчилари билан бирга яна бир синновдан ўтди. Шуниси эътиборлики, республикамизда биринчилардан бўлиб, бошланган янги ўқув йилида бундан

роса 3 ой олдин мактаб остонасини хатлаган жажжи толиби илмларни қисқа вақт ичида саводхонлик байрамига тайёрлаш олган М.Фозилжонна дарслик муаллифининг иқтидорли шогирдларидан бўлиб, Қ.Абдуллаева билан биргаликда "Шодлик" алифбесининг ўқувчиларнинг севимли китобига айланишига муносиб ҳисса қўшганлар.

Суратда: "Алифбе" байрамидан лавҳалар акс этган. Мухаммад Амин (ЎЗА) олган суратлар

## ГАЗЕТАНИ БАРАҚЛАГАНДА:

ФАРОВОНЛИКНИ ҚАЙСИ ОМИЛЛАР ТАЪМИНЛАЙДИ?

2-бет

"МА'РИФАТ" МАСЛАХАТХОНАСИ

2-бет

AKS-SADO

"МУАЛЛИМА НЕГА МАКТАБДАН КЕТДИ?"

3-бет

СИНФДАН ТАШҚАРИ ИШЛАР

ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА КОЛМАСЛИГИ КЕРАК

3-бет

ИҚТИСОДИЙ САВОДХОНЛИК

У ЁШЛАРДА ҚАНДАЙ ШАКЛЛАНТИРИЛАДИ?

4-бет

ЗИЁРАТ ОДОБИ

5-бет

ФАРЗАНДЛАР ОРЗУСИДАГИ ЎЙИНЧОҚ

6-бет

ДАРС СИФАТИНИ ОШИРИШ ШАРТЛАРИ

6-бет

ЭРКАК МУАЛЛИМ

8-бет

"МУБОРАК РАМАЗОН ТУҲФАСИ" БОШҚОТИРМАСИ

8-бет

## КЎНГЛИМИЗНИ ФАХР ВА ҒУРУРГА ТЎЛДИРДИ

Октябрь ойининг охири ва ноябрь ойининг бошларида буюк бобокалонимиз, соҳибқирон Амир Темур ватани кўҳна Кеш — Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллиги кенг нишонланди. Очиги, биз юбилей тантаналарини ОАВ орқали кузатиб бордик. Телекўрсатувларни кўриб эса шаҳарнинг янада кўркамлашганига, қайтадан чирой очганига амин бўлдик. Айниқса, муҳтарам Президентимиз Ислам Каримовнинг шаҳар юбилейига бағишланган тантанали маросимда Шаҳрисабз туғилиши илоҳий хосияти ва бу шаҳар жаҳон эътиборини ўзига тортаётгани хусусида тўққизинчи гапирганида, биздаги фахр ва ифтихор туйғулари ҳаволанди. Ғурур туйғусини берадиган юрт жамоли кўз олдимизда гавдаланди, у билан фахрланиш ҳисси янада ортди. Чунки, бизда кузги таътил даврида жамоамиз билан биргаликда "яшил шаҳар"

ни зиёрат қилиш ҳамда Шаҳрисабз туманига қарашли Аlisher Navoiy номидаги 32-мактабга ташриф буюриш истаги туғилди. Буни ота-оналаримиз ҳам қўллаб-қувватлашди. Даставвал, 32-мактаб жамоаси билан учрашдик. Дўстона учрашув иккала мактаб ўқувчилари ва ўқитувчиларини қувонтир-

биноларнинг нақшинкор қосиқларини кўздан кечирар эканлар, боболаримизнинг нақадар билимдон, бунёдкор бўлганликларига ишонч ҳосил қилдилар. Мухими, ўғил-қизлар бу заминдан етишиб чиққан шоиру алломалар, мумтоз сиймолар ҳақида етарли маълумотларга эга бўлишди. Бундан ташқари шаҳар

ларимиз 32-мактаб билан ёнма-ён жойлашган қишлоқ аҳлининг дала ва боғ юмушларидан ортиб, уй ишлари билан машғул бўлишга тўғри келган, қиз-жувонларнинг туморча шаклида зеб бериб, қуроқ тикишга тгани, момоларнинг пахтани савашлари, уни урчуқда йигириб, ип тайёрлашлари, буюшлари ва гилам тўқишларига, ёш қизларнинг нон ёпишларига, жажжи фарзандлар ота-оналарнинг яқин кўмакчиларига айланишига ҳам ҳавас билан қарашди.

Бир осмон остида яшасанда, ҳар бир жойнинг ўз урф-одати, анъанаси борлиги ҳақида ўғил-қизларимиз тушунча ҳосил қилишиб, ўз дунёқарашларини янада кенгайтиридилар. Хуллас, ўғил-қизларимиз кузги таътидан қадрдон мактаблари кучоғига боти таассуротлар билан қайтишди.

Мухаррам РАҲМОНОВА, Самарқанд шаҳридаги 5-ўрта мактаб директори

## Dolzarb mavzu

1992 йил 8 декабрь — 2002 йил 8 декабрь. Орада ўн йиллик тарихий давр. Бошқача айтганда, бу йил Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 10 йиллиги нишонланади. Бош қомусимиздаги инсонпарварлик ғоялари ва демократик тамойиллар ҳар бир фуқаронинг онгию шуурига сингиши керак.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳам бу санага тараққулини аллақачон бошлаб юборди. Вазирлик республи-

дентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги фармой-

## ТАНЛОВ КОНСТИТУЦИЯГА БАҒИШЛАНАДИ

ка олий таълим муассасалари-аро "Конституция — бахтимиз пойдевори" кўрик-танловини ўтказиш юзасидан ўз буйругини ишлаб чиқди. Конституцияни тарғиб-ташвиқ қилиш, ушбу кўрик-танловга қўйилган умумий талаблар, унинг мақсад ва аҳамияти хусусида муҳбиримиз вазирликнинг гумани-тар таълим ва шахс камолоти бош бошқармаси бошлиғи, иқтисод фанлари доктори, профессор Зоир Тошматов билан мулоқотда бўлди.

— Хабарингиз бор, 2001 йилнинг 4 январида Прези-

иши эълон қилинган эди. Аввало ана шу фармойиш юзасидан амалга оширилган ва оширилаётган ишларга қисман тўхталиб ўтсангиз.

— Конституция буйича махсус курснинг ўқув жараёнига киритилиши, ўқув дастури ва қўлланмаларининг тайёрланиши, профессор-ўқитувчилар малакасининг оширилиши Фармойиш буйича белгиланган вазифаларнинг негизини ташкил қилади. Етакчи ҳуқуқшунос-му-тахассислар ва педагоглар му-

(Давоми 2-бетда)

## Shu aziz Vatan — barchamizniki!

ди. Жамоамиз вакиллари ушбу мактабдаги туғараклар иш фаолияти яхши йўлга қўйилганини эътироф этишди. Тажрибалар билан ўртоқлашилган, қадимий шаҳарга саёҳат уюштирилди. Ўқувчиларимиз Оқсарой, Дорут-тиловат, Дорус-саодат мажмуалари, Чорсу савдо гўмбаси, Чубин мадрасаси, Кўкғумбаз масжиди, Гумбази Саидон, Шамсиддин кулол мақбаралари каби тарихий обидаларни, муаззам

юбилейининг асосий тантаналари бўлиб ўтган соҳибқироннинг улкан ҳайкали ўрнатилган Амир Темур майдони, унга туташ меъморий ёдгорликларни, айниқса, Оқсарой мажмуининг қурилиш услубини ҳайрат билан томоша қилдилар. Кўҳна ва нақшон шаҳар зиёратидан сўнг машҳур Ҳисорак сув омбори тарихи ва тумандаги бир қатор қишлоқлар ҳаёти билан та-нишилди. Хусусан, ўқувчи-

## БЎШ ЎЗЛАШТИРУВЧИ ЎҚУВЧИГА ҚАНДАЙ ЁРДАМ БЕРАМИЗ?

Мактаб — келажак остонаси. Ана шу муқаддас остонани хатлаган жажжи ўғил-қиз юртининг эртанги умиди. Зеро, уларнинг камолотида Ватаннинг истиқболи бўй курсатади. Шу боис ҳам ҳукуматимиз томонидан баркамол авлодни воёга етказиш мақсадида таълим тизими ислохотига қаратилган эътибор бежиз эмас, албатта. Аслида ҳар бир ўқувчи ўзига ҳос истеъдод эгаси. Унинг ўз вақтида аниқланиши ва ривожлантирилиши ҳар бир ёшнинг ўз келажак йўлини белгилаб олиши учун ҳал қилувчи муҳим омил. Унинг кашф этилиши эса, энг аввало, ўқитувчининг, мураббийнинг изланиши

самарасидир. Бироқ, минг афсуски, аксарият ҳолларда баъзи ўқувчи, қолаверса, ота-оналарнинг тажрибасизлиги, баъзан эса эътиборсизлиги натижасида ўқувчидаги мавжуд имкониятлар ортиб бориши ўрнига сўна бошлайди, билим олиш лаёқати сустлашиб боради. Ҳўш, бугунги кунда мазкур муаммонинг олдини олиш, ўқувчининг фанларни ўзлаштириш сифатини ошириш учун ўқитувчи нималарга эътибор бермоғи лозим?

Маълумки, "Қадрлар тайёрлаш миллий дастури"га асосан умумий ўрта таълимнинг давлат таълим

стандартлари яратилди. У ўқувчиларнинг таълим тайёргарлигига, савиясига қўйилган мажбурий минимал даражани аниқлаб берувчи, таълим мазмуни, шакллари, воситалари, усуллари ва унинг сифатини баҳолашда асосий меzon ҳисобланади. Ҳўш, бугунги кунда ишлаб чиқилган давлат таълим стандартларининг бажарилишида ўқувчининг вазифаси нималардан иборат ўқувчи қандай талаблар қўйилади?

— Ўқитувчи, энг аввало, дарс бошқарувчиси, — дейди биз билан сўхбатда ХТВнинг Давлат таълим

стандартлари мониторинги бошқармасининг бошлиғи А.Калантаров. — Ўқувчининг дарсдан ўнмадир янгилик олиши айнан ўқитувчининг маҳоратига боғлиқ. Бироқ, афсусланарлиси шундаки, баъзи ўқувчиларимизда "Дарсни ўтдим, тушуниш-тушунмаслик ўқувчининг ўзига боғлиқ" деган хато фикр бор. Эътибор беринг, бирор-бир ишлаб чиқариш фабрикаси ёки заводнинг тараққийотида ана шу муассасада меҳнат қилаётган ишчининг ўз ишига қанчалик масъулият билан ёнда-шиши, у яратётган махсулотнинг сифати муҳим аҳамиятга эга.

(Давоми 4-бетда)

## Muammo

### HAR OYDA TURNIR

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Болалар спортни ривожлантириш жамғармасини тuzиш то'ғрисида»ги Фармонига биноан Surxondaryo viloyatida «Surxon polvonlari» milliy kurash turniri muntazam har oyda o'tkaziladigan bo'ldi. Surxondaryo viloyat jisoniy tarbiya va sport qo'mitasi hamda viloyat milliy kurash federatsiyasi birgalikda shunday qarorga keldi. «Surxon polvonlari» turnirining homiylari kurash majmuiga trenajerlar, tatami va boshqa sport anjomlari olish uchun 5 million so'm miqdorida mablag' ajratildi.

### ONALIK VA BOLALIK DAVLAT HIMOYASIDA

Ўзбекистон Республикаси Олий Majlisining Oila va ayollar muammolari komissiyasi hamda Oonunchilik va sud-huquq masalalari qo'mitasi hamkorligida «Onalik va bolalik davlat himoyasida» mavzuida ilmiy-amaliy anjuman o'tkazildi. Anjumanda oilaviy munosabatlarni tartibga solish, tug'ish yoshidagi ayollar, ular sog'liqlarini muhofaza qilishning huquqliy asoslari tahlil qilindi.

### Obuna — 2003

Юртимиз ҳаётида, хусусан, таълим тизимида кечаятган янгиланиш ва ривожланиш жараёнлари билан ҳамнафас бўлман десангиз, Сизнинг доимий ҳам-маслагингиз

## "Ma'rifat"

газетасига обуна бўлинг: Наир кўрсаткичи якка обуначилар учун — 149 ташиқлотлар учун — 150



SO'NGGI UCH KUN MUJDALARI



# “МУАЛЛИМА НЕГА МАКТАБДАН КЕТДИ?”

“Маърифат”, 2002 йил 9 октябрь

Газетамизда шундай сарлавҳали мақола эълон қилинган, тахририятимиз хат қутиси-га акс-садо тариқасида битилган кўплаб мактублар келиб тушди. Биз уларнинг энг акс-садо сараларини танлаб, эълон қилаётимиз. Турфа фикрлар акс этган мактублар Сиз — азиз муштарийларни ҳам беътибор қолдирмаслигига ишончимиз комил.

## Шарипбой МАШАРИПОВ, Хоразм вилояти Ҳазорат туманидаги 37-мактаб ўқитувчиси:

— “Муаллима нега мактабдан кетди?” мақолада долзарб мавзунини кўтарган Гулҳебра Жамиловага катта раҳмат!  
Шоҳиданинг мактабдан кетишига авваломбор директор, қолаверса бутун педагогик жамоа сабабчи, деб билганам. Агарда директор Шоҳида маслаҳат сўраб кирганида, дарҳол жамоани йиғиб “ишқий” мактуб ёзган ҳақрамонни топиб, Шоҳидани кечи-

риб сўратганида, у мактабдан кетмаган бўларди ва бундай ҳазил мактабга янги келган ёш, чиройли ўқитувчилар ҳаётида такрорланмасди. Агарда Шоҳида енгилтабиат, ўзида бирор “гап” бордир деса, у директордан ёрдам сўрамасдан ўзи ҳисоб-китобини қиларди, мактабдан ҳам кетмасди. Шоҳиданинг мураббий ўқитувчилари, тўғри маслаҳат берадиган касбдошлари бўлмагач, мактабдан иложсиз кетган.

## Р.АҲМАДАЛИЕВ, Наманган вилояти Чуст туманидаги 1-мактаб касоба уюшмаси раиси:

— Гулҳебра Жамилованинг “Муаллима нега мактабдан кетди?” мақоласини ўқиб, Шоҳида ишлага мактаб жамоасида тарбиявий ишлар яхши эмас экан, деган хулосага келдим. Ундан ташқари, мақола мени ўқитувчи ишдан

кетиб қолишининг бошқа сабаблари хулосада ҳам ўзимизнинг туманимиз мисолида фикр юритишга ундади. Гап шундаки, маҳаллий раҳбарлар, туман ҳокимликлари томонидан ўқитувчи ва мураббийларга бўлган ҳурмат-эътибор сал

— Аввало, мақолада долзарб, шу билан бирга жуда нозик масала ўртага ташланган. Турғи, бугун мактабни ташлаб кетаётган ўқитувчилар учраб турибди. Улар маълум бир сабабни рўқаб қилишади. Ҳақиқий ўқитувчилар ҳар қандай шароитда ҳам мактабни ташлаб кетмайди. Бугун мактабни жон-дилдан севадиганлар, ҳаётини, билиминини ўқувчиларга бахшида қилишга жон куйдираётганлар, бир сўз билан айтганда, ҳақиқий фидойий ўқитувчилар мактабда ишлашмоқда.  
Мақолада тилга олинган Шоҳидани қораламайман. Чунки, у ёшдан ўқитувчиликка ўзи қизиққан. Базиладарек ота-онасининг истагини бажо келтириш учун эмас. Унинг мақсоди, зўр ўқитувчи бўлиб, барчанинг ҳурматига эришиши, хатто

дадасининг ҳам олқишига сазовор бўлиш. У ана шундай улғур ниётлар билан иш бошлаган экан. Уни фақат олқишлаш, кўллаб-қувватлаш керак эди.  
Ўқиш бошқа, иш бошқа деганларидек, Шоҳида биринчи йилда-ноқ анча муаммоларга дуч келибди. Аслида бу ҳам табиий ҳол. У иш бошлагандан шундай ҳолатлар ҳам бўлиб қолиши мумкин-ку, шунда ўзини қандай туттишим керак, деган саволларга ҳам жавоб топиб қўйиши керак эди.  
Юқори синфларда дарс ўтиш анча қийин. Бунинг учун ўқитувчилардан тажриба ва билим етарли бўлишидан ташқари маълум маънода руҳонисиз бўлиш ҳам талаб қилинади. Шоҳиданинг эса билими етарли, лекин ҳаётий тажрибаси камлиги панд берган кўринди. Мактаб маъмурияти бу жиҳатни ҳисобга олган ҳолда унга қуйи

## Қосимжон СОЛИЕВ, Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги 33-мактаб раҳбарининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари:

синфлардан дарс беришганида яхши бўларди. Хуллас, Шоҳидага тажриба орттириш учун имконият яратиб берилмаган.  
Энди ўқувчиси ўқитувчисиға севги изҳор қилишини қандай тушуниш керак. Унда ҳам юрак, ҳис-туйғу, атрофга муносабат ўзига яраша бўлади. Ҳаётда ўз ўқувчисиға уйланган ўқитувчиларни кўплаб учратиш мумкин. Хатто ўқувчисиға турмушга чиққан ҳолатларнинг ҳам гувоҳи бўлганам. Севги ёш танламайди, деганлари шу бўлса керак-да. Шоҳида ўша ўқувчиси билан обдон гаплашиб, унга тушунтириши лозим эди.  
Хали ҳаётининг барчаси олдинда эканлигини, ўз тенгини топишини, эҳтиросга, орқича хо-ҳавасларга берилмай, келажаги ҳақида кўпроқ ўйлаши кераклигини, ундаги бу туйғу ўткинчи эканлигини педагог сифатида таҳлил қилиб берганида мақсадга мувофиқ бўларди.  
Жамоага янги ходим келиб қўйилса, унга барча жамоа аъзолари ёрдам беради, билмаганини ўргатади, шу йўл билан уни шакллантиради. Шоҳида муҳити тоза бўлмаган жойга тушиб қолганга ўхшади. Ёрдам сўраб, бор изтиробларини педагогик кенгашига айтсаю улар айбни ўзига ағдариб туршини қандай изохлаш мумкин?! Мактаб раҳбари ҳам ёш ходимини тушуниши хохламабди.

диган гап айтолмасангиз, у сизни ёмон кўриб қолади. Энг фожели асосий фан бўлса-да, сиз туфайли ўқувчининг шу фанга бўлган қизиқиши ҳам сўнади. Шунинг учун ўқитувчилардан ҳар бир гапда, ҳар бир ҳаракатида ўта ҳушёрлик талаб қилинади.  
Ўқувчилар ҳам анойи эмас. Уларнинг фикрларини ҳурмат қилиш керак, ўқитувчиларнинг пишиқ ва заиф томонларини жуда яхши билишади. Ҳар ўқув йилининг охирида ўқувчиларимдан анкета саволларига жавоб олам. Улар исм-фамилияларини кўрсатмай, қайси ўқитувчининг қандайлиги, қайси фанга қизиқади ёки қизиқмайди, бунинг сабаби ҳақида очик-ойдин жавоб ёзишади. Баъзи ўқитувчилардан қоникмаётганликларини ўзларининг қарашлари

# СИНФДАН ТАШҚАРИ ИШЛАР

## Эътибордан четда қолмаслиги керак

Мактаб ўқув тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари фан ўқитувчисидан ўқув йилининг 1-чораги якуни бўйича ҳисобот олар экан, сўради:  
— Ўқувчилар билан олиб борган синфдан ташқари талбирларингиз ва сценарийларингизни кўрсатинг?  
— Ҳа, бор, мана улар, — саволга жавобан ўқитувчи бирма-бир курсата бошлади.  
Қошлари чимирилган илмий бўлим мудирини сўровда давом этди:  
— Яхши, буларнинг ҳаммаси муҳим саналар бўйича экан. Бошқа мазкурларда утказган тарбиявий соатларнинг ҳужжатларини сўраяпман. Боланинг қийинлиги, юриш-туриши, муомаласи, одоби, бурчи, вазифаси, ахлоқи, жамоат ишларидаги иштироки, куча-куйдаги ҳолати, туй-маъракалардаги ўрни юзасидан утказган кеча, учрашув, суҳбатларни назарда тутаяпман.  
Мулзам бўлган ўқитувчи: “Улар ҳақида оғзаки гапириб утган эдим” дейишдан нарига утмади.  
Ҳисобот олаётган раҳбар муовини кўргазмали қуроллар, тарқатма материаллар, дарс жараёнида ўқувчиларга курсатиш учун фойдаланилиши лозим бўлган материаллар ҳақида ҳам қизиқсинди. Яна ўқитувчи жим эди.  
— Тугарак утмагансиз, тарбиявий соатларни ҳам кунгидагидек олиб бормагансиз. Яна ота-оналар билан тез-тез алоқада бўлиб турибман, дейсиз-а. Булмас, менга бажарган ишларингизнинг изини кўрсатмасингиз, — деди асаби бузилган илмий бўлим мудирини.  
Дарҳақиқат, умумий урта таълим мактабларида 2002-2003 ўқув йилининг 1-чораги ҳам якунланди. Ўқув тарбия ишларининг аҳоли гапир сувдан кутарилганда билинади. Албатта, фанларнинг ўқувчилар томонидан яхши ўзлаштирилиши синфдан ташқари ишларнинг намунали олиб борилишига боғлиқлигини биламиз. Бунда ўқувчи ҳам дам олади, ҳам ўз билиминини бойлатади.  
Негадир кўпчилик муаллимлар ўқувчилар билан олиб бориладиган синфдан ташқари талбирларга юзаки назар билан қарайдилар. Гўёки, бу улар учун орқича даҳмазадек. Ахир буш ўзлаштирувчи ўқувчиларнинг

эдишлар деб сўрашса, шу мазкурларни утувдик денглаш” деб тайинлаб қўйилади.  
Халқимизда “бирники мингга, мингники туманга” нақд юради. Битта фан ўқитувчиси “хуфёна” дарс утди, тамом, чиллаки чиллакини куриб чумак ураверади. Бундан мактаб раҳбарлари беҳабар. Ёки билишса-да, одамнинг юзи офтобдан иссиқ, деб индашмайди. Домий қаттиқ назорат қилишга ё вақт етишмайди, ё имкон бўлмайди.  
Бизнингча, одобнома дарсини, тарбиявий соат тушини мактаблардаги бошланғич синфлардан ёки болалар боғчаларидан урганасан арзийди. Уларда утказилган ҳар бир талбир борки, курган кишининг кунгли тулиб, хурсанд чиқади.  
Нима учундир ана шу кунгли туларли ҳолат мактабларимизнинг 5—11-синф ўқувчиларида тулақонли эмас. Боиси, нимада? Сабаби, ёшга ёшдай, каттага каттадай муомала қилиш маданиятига қўлла риоя қилинавермайдиган одат чиқарилди. Бу мулоҳазаларимиз билан кунгли нозик муаллимларимиз дилига озор етказмоқчи эмасмиз. Синфдан ташқари ишларни қойилмақом даражада тайёрлаб утказётганлар ҳақида оғиз тулдириб гапириб шунинг мумкин. Айтмоқчи бўлаётган муаммомиз битта.  
Миллий гуруҳ, миллий қадрият, Ватандан, юртдан фахрларини туйғусини кўпроқ юқори синф ўқувчилари уртасида тарғиб қилиш, тарбиялаш масаласини ҳал этишни истардик. Кейинги вақтларда турли касб-ҳунар эгалари билан мулоқотлар сони камайиб бораётганидан ташвишдамиз. Ички ишлар бўлими, тиббиёт ходимлари билан бўлаётган учрашув ва суҳбатлар тугригиса асло гап бўлиши мумкин эмас. Бирок, булар ўқувчи дунёқарошини шакллантиришда озлик қилади. Истардикки, мактабларда ёзувчилар, шоирлар, санъат аҳли, муҳандислар, қурувчи, деҳқонлар, ибратли оилалар билан тез-тез мулоқотлар утказиб борилса.  
Хулоса эса оддий. Синфдан ташқари ишларимиз ўқувчиларда ҳаёт мактабни урганишга йул очади. Бунинг унутмаслигимиз керак!

Булмаса бўлаш учун ёзган ариза-сига осонгина имзо қўярмиди? Суриштиришда, кўнглини кўтарганда, бундай ҳолатлар бизда ҳам бўлган, ҳаммаси изига тушиб кетди, қизим, деб далда берганда, ўқитувчи ўрнида қолган бўларди. Шоҳида ёлғизлини қолган, жамоадан ҳам кўнгли совган, натижада эса севган касбидан кетишга мажбур бўлган.  
Мактабда, айниқса болалар билан ишлаш жуда нозик ва масъулиятлидир. Синфда 30 та ўқувчи бўлса, бу 30 хил дунё дегани. Ҳар бир дунёга ўттиз хил йўл билан кўришга тўғри келади. Бунинг учун педагогдан моҳир психолог бўлиши ҳам талаб қилинади. Бирор ўқувчининг қалбига йўл топмасангиз, кўнглига мос кела-

орқали исботлаб беришади. Ўқувчиларнинг бундай очик таклиф ва истақлари билан ҳисоблашиб, ишни режалаштиришга ҳаракат қилиш керак.  
Шоҳида, нотаниш синглим, сен мактабга қайтишинг керак. Ахир, шу касбга ёшлиқдан меҳринг тушган-ку. Мактабни ташлаб савдо-сотик билан шуғулланаётганларга ҳавас қилма. Улар оғирнинг устидан, енгилнинг тагидан ўтадиганлар, озгина қийинчиликка дош беролмайдиганлар, бетоқатлар сирасига қиради. Бугун мактаблар ўқитувчиларнинг сарагини саракка, пучагини пучакка айирмоқда. Ҳақиқий фидойилар ўз ўрнини мактабда, деб билмоқда. Сен ҳам шулар қаторида бўлишинг керак.



Маълумки, таълим муассасалари кутубхоналари ўқувчи-ёшларнинг мустақил равишда ўз билимларини ошириб боришлариға кўмаклашувчи дароғх ҳисобланади. Шу боис, бу ердаги муҳит ўқувчиларнинг ҳар томонлама дунёқарашларини кенгайтиришга, тафаккурларини ривожлантиришга мос тарзда жиҳозланган бўлиши лозим. Бу борада мамлакатимиз олий таълим муассасалари қошида ташкил этилаётган янги академик лицейлардаги мавжуд шарт-шароитлар ҳар қанча таҳсинга лойиқдир. Айниқса, бундай лицейларнинг замонавий компьютер воситалари билан таъминланган кутубхоналари халқаро ахборотлар манбаи бўлмиш Интернет тармоғига улашиб, лицей ўқувчилари ва ўқувчиларининг жаҳон кутубхоналари жамғармаларидан фойдаланишлариға кенг йўл очиб бермоқда.  
Сўрагиз: пойтахтимиздаги жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетини қошидаги Шайхонтоҳур академик лицей кутубхонаси ҳаммаша ўқувчи-ёшлар билан гапму.

# КОЛЛЕЖНИНГ ТАРИХИЙ МУЗЕЙИ

Музейларнинг ҳаётимизда тутган ўрни беқиёс. Улар азал-азалдан ўтмиш билан бугун ўртасидаги муносабатларни боғловчи кўпrik вазифасини бажариб келган. Биз тарихий музейларга қандай қарайликми, қадим аждодларимизнинг яшаш ва меҳнат тарзлари билан танишамиз, уларнинг миллий анъаналари ва қадриятлари ҳақида аниқ тасаввурларга эга бўлаемиз.  
Шаҳрисабз педагогика коллежида ҳам тарихий музей бунёд этиш ишига анча бурун киришилган.  
Юртимиз мустақилликка юз тутган эса билим юрти маъмурияти қатъий режалар асосида ўз музейларини қайтадан бунёд этиш ишига астойдил киришилди. Музей учун қатор қўшимча хоналар ажратилди, домийи ишлайдиган махсус ходимлар бификтирилди. Талаба ва муаллимлар орасида катта тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилади, музей кўргазмалари кўпайтирилди. Тарихий музейда “Қадим иш ва ов қуроллари”, “Зебу дийн буюмлари”, “Халқ амалий санъати”, “Қадимий қийим-кечаклар”, “Уй-рўзғор буюмлари”, “Деҳқончилигимиз тарихи”, “Пул-муомала воситаси”, “Миллий маънавиятимиз тарихига саёҳат” деб номланувчи бўлимлар ташкил этилди. Тарихий музей учун ажратилган хоналарнинг бири билим юрти тарихи учун берилди. Тарихий музей мажмуасининг яна бир хонасида билим юртида таҳсил олаётган алоҳида иқтидорга эга бўлган талабалар ва муаллимларнинг нафис ишларидан намуналар жамланиб, “Нафосат хонаси” ташкил этилди.  
“Нафосат хонаси”га қадам ранжида қилсангиз, ўзингизни беихтиёр ҳақиқий гўзалликлар оламига тушиб қолгандек ҳис қиласиз. Бизни айниқса, ана шу хона кўпроқ ўзига тортди. Бири-биридан нафис ишлар. Гўзал табиат манзаралари ва муқаддас Она юртга меҳри акс этган санъат асарлари, ҳайкалтарошлик ва халқимиз қадим кулолчилигини тиклашга оид антика кўргазмалар... Миллий нақшларимиз туширилиб, шарқона услубда ясалган хонтахтачалару сандиқчалар... Наҳотки, булар-

Абдували ОБИДДИН,  
“Ma'rifat”нинг махсус мухбири









